

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

Рўйхатга олинди:

№ БММ-1.00

2019 йил «02» 12

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№ 295 Буйруғи

2019 йил «05» декабрь

“Акушерлик ва гинекология”

Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида
тор мутахассисни тайёрлашга қўйиладиган

ТАЛАБЛАР

Тошкент 2019

| | | |
|--------------------|---------------------|---|
| Тузувчилар: | Аюпова | -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва |
| | Фарида | гинекология кафедраси мудири, т.ф.д. |
| | Мирзаевна | профессор |
| | Шукуров | -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва |
| | Фархад | гинекология кафедраси доценти, т.ф.н. |
| | Ишкуллович | |
| | Аюпова | -Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик ва |
| | Дилдора | гинекология кафедраси доценти, т.ф.н. |
| | Каххаровна | |
| Тақризчилар | Бабаджанова | - Тошкент тиббиёт академияси 1-акушерлик |
| | Гулжахон | ва гинекология кафедраси профессори, т.ф.д. |
| | Саттаровна | |
| | Зуфарова | - Республика аҳоли репродуктив саломатлик |
| | Шахноза | маркази директори т.ф.д. |
| | Алимджановна | |

Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида мутахассисни тайёрлашга қўйиладиган талаблар (кейинги матнда талаблар деб юритилади) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлиб, у касбий фаолият турига мувофиқ ҳолда масалаларни еча оладиган бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари тор мутахассисларини тайёрлаш учун зарур бўлган минимал ҳажмдаги билим ва кўникмалар стандартини ўзида намоён этади. Мазкур талаблар ҳар бир алоҳида олинган бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари тор мутахассисларини ихтисослигига қўйилган тегишли талабларни ишлаб чиқиш учун стандарт ҳисобланади. Мутахассиснинг дипломдан кейинги касбий тайёргарликка қўйилган талабларини ишлаб чиқиш вазифалари шакл ва мазмун бўйича ягона бўлган соғлиқни сақлаш муассасаларида бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида тўлиқ мустақил ишлай оладиган ва уни кейинчалик эгаллаётган лавозим ва иш жойига мувофиқ ҳолда беморларга малакавий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган касбий фаолияти давомида такомиллаштирадиган тор мутахассисни тайёрлаш тизимини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил “_5_” декабрь даги “_295_” – сонли буйруғининг _2 - иловаси билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 20__ йил “__” _____ даги __ -сонли баённомаси билан маъқулланган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

1.1. Мазкур меъёрий ҳужжат соғлиқни сақлаш муассасаларининг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида фаолият юритадиган тор мутахассисларнинг (акушер-гинеколог) тайёргарлик даражасига қўйилган талабларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

II. ТОР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАВСИФИ – (Акушерлик ва гинекология)

2.1. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида фаолият юритадиган тор мутахассисларни ўқитиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган мутахассисликлари номенклатураси бўйича, мутахассисга қўйиладиган ихтисослик талаблари асосида тузилган ҳар қайси мутахассислик бўйича ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади.

2.2. Акушерлик ва гинекология бўйича таълимнинг меъёрий муддати камида бир йилни ташкил этади. Тор мутахассиснинг максимал ўқув юкламаси ҳафтада 36 соатни, мустақил иши ҳафтада 54 соатни ташкил этади.

2.3. Клиник мутахассисликлар бўйича мустақил иш вақти ҳажмига раҳбар томонидан белгиланадиган жадвал бўйича бир ойда бўлинмада 2та мажбурий тунги (кечки) навбатчилик киради.

2.4. Ўқув юкламасининг умумий ҳажми ва тайёргарлик кўришнинг умумий вақти қуйидаги тарзда тақсимланади:

- 90% - асосий мутахассисликни ўрганиш учун;
- 9% - мутахассис учун ўрганиш зарур бўлган ёндош (клиник) мутахассисликларга ажратилган;
- 1% - аттестация учун ажратилган вақт белгиланган.

Тингловчи ўқув ва шахсий режасини тузганда шуни ҳисобга олиши лозимки, ўқув йили давомида жами 144 соат кишки ва ёзги (яқунловчи) ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар.

III. МУТАХАССИСНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАВСИФИ - (АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ)

3.1. Мутахассиснинг касбий фаолияти соҳаси бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида фаолият юритадиган акушер-гинеколог сифатини лозим даражада таъминлаш йўли билан аҳолининг соғлиғини сақлаш ва яхшилашга қаратилган фаолият технологиялари, восита, услуб ва усулларининг йиғиндиси.

3.2. Мутахассиснинг касбий фаолияти объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

- барча ёшдаги қиз ва аёлларда соғлиқни сақлаш, профилактикани таъминлаш, касалликка диагноз қўйиш ва даволаш учун шароитларни яратишга қаратилган восита ва технологияларнинг йиғиндиси .

3.3. Ихтисослик бўйича мутахассис – акушер-гинеколог қуйидаги турдаги касбий фаолиятига тайёргарлик кўради:

- профилактика;
- ташхисга оид;
- даволаш;
- реабилитацияга оид;
- психологик-педагогик;
- ташкилий-бошқарув;

Мутахассис асосан эгаллаган ихтисослиги бўйича касбий фаолиятни амалга оширишга тайёрланади.

Ўқиш тугагандан сўнг тингловчига у эгаллаган тор мутахассислик фаолияти бўйича касбий фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқ берадиган белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

3.4. Акушер-гинеколог касбий фаолият турларига мувофиқ ҳолда қуйидаги касбий вазифаларни ечиши лозим:

-профилактика фаолияти (бирламчи, иккиламчи ва х.к.):

Аёлларда ва қизларда экстрагенитал касалликларини олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари (мулоқот, давра суҳбатлари, учрашувлар, маърузалар ва х.к.)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

Гинекологик касалликларни олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари (давра суҳбатлари, учрашувлар, маърузалар ва х.к.)

Сурункали касалликларнинг зўрайишини олдини олиш;

Барча ёшдаги аёл ва қизларда репродуктив саломатлик бўйича ишлар олиб бориш.

- ташхисга оид фаолияти:

клиник ва лаборатория дастлабки тадқиқот усуллари асосида беморларда касаллик ва патологик ҳолатига ташхис қўйиш;

бемор қиз ва аёлларда касаллик оғирлик даражасини баҳолаш, аъзо ва тизимлари бўйича ёшига хос хусусиятларини ҳисобга олиб клиник текширувлар ўтказиш;

Аёллар ва ўсмир қизларда кўрикнинг клиник маълумотлари, лаборатор-инструментал текширув натижаларини таҳлил қилиш ва интерпретация қилиш; умумқабул қилинган таснифга мувофиқ ташхис қўйиш ва асослаш;

қиёсий ташхислашни олиб бориш;

-даволаш фаолияти:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида шошилиш ҳолатларида биринчи ёрдам кўрсатиш;

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами тизимида ўсмир қизлар ва аёлларда ўчрайдиган ўткир ва асоратсиз кечаетган касалликларни даволаш;

госпитализацияга кўрсатмалар бўлган ҳолатларида йўлланма асосида стационарга юбориш;

дори-дармонларни рационал қўллаш қоидаларига риоя қилиш;

касалланган ўсмир қизлар ва аёлларда далилларга асосланган тиббиётга асосланган ҳолда медикаментоз ва номедикаментоз даво тайинлаш;

гинекологик касалликларни билан касалланган беморларга ташхисдан келиб чиқиб даволовчи овқатланишни тавсия қилиш

- реабилитацияга оид фаолияти:

Аёллар ва ўсмир қизлар орасида реабилитация тадбирларини ўтказиш;

Реабилитацияга муҳтож бўлган беморларда даволаш жисмоний тарбия, физиотерапия ва ноананавий терапия усуллари (фитотерапияси, гомеопатияси) воситаларидан фойдаланиш ва бошқалар.

- ташкилий-бошқарув фаолияти:

Акушерлик ва гинекология йўналиши бўйича бирламчи тиббий ташкилотларида тиббий ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш, функционал мажбуриятларни ва уларни амалга оширишнинг оптимал алгоритминини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича тадбирларни уюштириш, касбий касалликларни профилактика қилиш, экология хавфсизлигига амал қилиш ва уни таъминлаш устидан назорат қилиш;

Акушерлик ва гинекология йўналиши бўйича бирламчи тиббий ташкилотларида ҳисоб юритиш-ҳисобот бериш бўйича тиббий ҳужжатларни юритиш;

меҳнатга лаёқатсизлигини экспертизадан ўтказиш;

Акушерлик ва гинекология йўналиши бўйича даволаш-диагностика ва реабилитация-профилактика ёрдам кўрсатиш сифатини назорат қилиш;

иш бўйича ёзишмалар (хизматдаги хатлар, таҳлилий материаллар, хатлар)ни юритиш;

илмий адабиётлар ва расмий статистика маълумотларининг таҳлили;

энг сўнги илмий муаммолар бўйича рефератларни тайёрлаш;

янги тиббий-ташкилий технологияларни тиббий ташкилотлар фаолиятига татбиқ этишда инновацион-технологик хатарларнинг самарадорлигини баҳолашда иштирок этиш.

IV. МУТАХАССИСНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ НАТИЖАЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ

4.1. Тингловчи куйидаги **умуммаънавий компетенциялар (УК)**ни ўзлаштириши лозим:

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш, турли касбий ва ижтимоий фаолиятида гуманитар, тиббий-биологик ва клиник фанлар усулларини амалиётда қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

дунё қарашга оид, ижтимоий ва шахсга қаратилган фалсафага оид муаммоларни, асосий фалсафа тоифаларини таҳлил қилиш, ўзини такомиллаштириш қобилияти ва тайёрлиги;

муҳим сиёсий воқеалар ва тенденцияларни таҳлил қилиш, сиёсий ҳаётда маъсулият билан иштирок этиш, асосий тушунчалар, жаҳон тарихий жараёнининг қонуниятларини билиш. Миллий мустақиллик ғояларини тушиниш ва тарғибот қилиш, ўз мамлакатига ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш; тарихий обидалар ва анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром қилиш, давлат сиёсатини баҳолаш қобилияти ва тайёрлиги;

ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватанга хизмат қилиш руҳида тарбиялаш, тарихий обидалар ва анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром қилиш, давлат сиёсатини баҳолаш қобилияти ва тайёрлиги;

мамлакатнинг энг янги тарихини ва тарихий-тиббий атамаларни билиш қобилияти ва тайёрлиги;

иқтисодий муаммолар ва ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиетидан фойдаланиш; иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирадиган бозор хўжалик юритиш механизмларини билиш қобилияти ва тайёрлиги;

мантиқий ва асосланган таҳлил қилиш, оммада нутқ сўзлаш, мулоқот ва суҳбат олиб бориш, касбий мазмундаги матнларни таҳрирлаш, ҳамкорлик қилиш ва низоларни ечиш, бағрикенглик қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

ҳаётда сўзлаш даражасида чет эл тилларидан бирини билиш, давлат тилида ёзма ва оғзаки коммуникация қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

бошқарув усулларидан фойдаланиш, ижрочиларнинг ишларини ташкил этиш, турли фикрлар шароитида ва ўз касбий компетенция доирасида маъсул бошқарув қарорларини топиш ва қабул қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

ўз фаолиятини жамиятда қабул қилинган маънавий ва ҳуқуқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, шифокорлар этикаси, махфий ахборот билан ишлаш бўйича қонун ва ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларга амал қилиш, шифокорлар сирини сақлаш қобилияти ва тайёрлиги.

4.2. Тингловчи қуйидаги **касбий компетенциялар (КК)**ни ўзлаштириши лозим:

касбдошлар, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, беморлар ва беморлар қариндошлари билан мулоқот қилганда шифокорлик фаолиятининг этика ва деонтолик жиҳатларини амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги;

касбий фаолиятни такомиллаштириш мақсадида назарий билим ва амалий кўникмалардан фойдаланган ҳолда қарорларни топишга асосланган умумқабул қилинган далилли тиббиётга таянган ҳолда тиббий ахборотни таҳлил қилишга нисбатан тизимли ёндошувни шакллантириш қобилияти ва тайёрлиги;

интизом, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий жавобгарликни ҳис этган ҳолда шифокорлик ҳатоларни олдини олиш учун ўз фаолиятининг натижаларини таҳлил қилиш қобилияти ва тайёрлиги;

беморларда сўровнома, физикал кўриги, клиник текшируви, замонавий лаборатория-дастакли тадқиқот, биопсион, операцион ва секцион материалнинг морфологик таҳлилини олиб бориш ва уларнинг натижаларини изоҳлаш, амбулатория беморнинг тиббий картасини ёзиш қобилияти ва тайёрлиги;

клиник аломатларни патофизиологик таҳлилни олиб бориш, беморларда уларнинг ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация ва профилактика қилиш бўйича патогенетик жиҳатдан ўзини оқлаган усул (тамойил)ларни асослаш қобилияти ва тайёрлиги;

асептик ва антисептика усулларни қўллаш, тиббий дастаклардан фойдаланиш, тиббий муассасасида даволаш ва ташхис қўйиш хоналарига санитария жиҳатдан ишлов бериш гинекологик касалланган беморларга қараш техникасини билиш қобилияти ва тайёрлиги;

тирик одамларни суд-тиббий текширувидан ўтказиш; процессуал ҳаракатларида мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этиш учун жалб қилган ҳолларда суд-тиббий экспертиза объектларини лаборатория тадқиқот натижаларини изоҳлаш қобилияти ва тайёрлиги;

беморларга қараган пайтида ишлатиладиган тиббий-техника аппаратураси билан ишлаш, компьютер техникасидан фойдаланиш, турли манбалардан ахборотни олиш, глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлаш; касбий вазифаларни ечиш учун замонавий ахборот технологияларнинг имкониятларини қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.1. Профилактика фаолияти:

Аҳолининг соғлиғини бирламчи тизимда соғлиғини яхшилаш ва сақлаш бўйича илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида турли тиббий ташкилотлар бўлинмалар даражасида аҳолининг соғлиғи кўрсаткичлари бўйича ахборотни йиғиш ва тиббий-статистика таҳлил қилиш бўйича замонавий ижтимоий-гигиена услубиётини қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

касалликнинг ривожланишида табиий ва тиббий- ижтимоий омилларни баҳолаш усулларида фойдаланиш, уларни тўғрилаш, инфекцион, паразитар ва инфекцияга оид бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича профилактика

тадбирларини амалга ошириш, гигиена масалалари бўйича санитария-тарғибот ишларини олиб бориш қобилияти ва тайёрлиги;

радиация ҳолатининг ёмонлашиши ва табиий офатларда эпидемияга қарши тадбирларни олиб бориш, энг хавфли инфекция ўчоғида аҳолини ҳимоялаш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.2. Ташхисга оид фаолияти:

биологик суюқликларни биокимё тадқиқ этиш натижалари асосида ҳамда орган, тизимлар ва бутун организм бўйича патологиянинг кечиши қонунларини ҳисобга олган ҳолда ташхис қўйиш қобилияти ва тайёрлиги;

алоҳида орган ва тизимларнинг фаолият кўрсатиш қонуниятларини таҳлил қилиш, касалликлар ва патологик жараёнларга ўз вақтида ташхис қўйиш учун аёллар ва ўспирин қизлар организмларнинг функционал ҳолатининг анатомия-физиологик асослари, клиник-иммунологик текширувнинг асосий услубиёти ва баҳолаш бўйича билимлардан фойдаланиш қобилияти ва тайёрлиги;

ўткир ва сурункали касаллиалар билан касалланган беморларда бутун организмнинг органлари, тизимлари бўйича патологиянинг кечиши қонунларини ҳисобга олган ҳолда тиббий-биологик ва клиник фанлар асослари бўйича билимлардан фойдаланган ҳолда касалликларнинг асосий патологик аломат ва белгиларини аниқлаш. Турли касалланиш ва патологик жараёнларда турли орган ва тизимларнинг фаолият кўрсатиш қонуниятларини таҳлил қилиш, соғлиқ билан боғлиқ Халқаро касалликлар ва муаммоларнинг статистик таснифи (ХКТ)ни ҳисобга олган ҳолда (асосий, ҳамроҳ бўлувчи, оғирлашган) ташхис қўйиш алгоритмидан фойдаланиш, шошилиш ва ҳаётга хавф солувчи ҳолатни аниқлаш бўйича асосий ташхис қўйишга оид тадбирларни ўтказиш қобилияти ва тайёрлиги;

муваффақиятли ўқув-профилактика фаолияти учун организмнинг физиологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аёллар ва ўспирин қизларда ёш бўйича замонавий ташхис қўйиш технологиялар натижаларини таҳлил қилиш ва изоҳлаш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.3. Даволаш фаолияти:

гинекологик касалликларлари билан касалланган беморларда касалликнинг оғирлашиши ва (ёки) ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларда асосий даволаш тадбирларини ўтказиш қобилияти ва тайёрлиги;

гинекологик касалликларлари билан касалланган беморларни аниқланган ташхисга мувофиқ ҳолда тўғри терапевтик даволаш, медикаментоз ва медикаментоз бўлмаган терапияни танлаш алгоритмларини амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги;

шошилиш ва ҳаётга хавф солувчи ҳолатлар юзага келган ҳолларда биринчи тиббий ёрдамни амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги;

гинекологик касалликлар билан касалланган беморларда тиббий овқатланишни ташкил этишда асосий тамойилларни кўрсатиш ва қўллаш қобилияти ва тайёрлиги;

гинекологик касалликлар билан касалланган беморларда амалга рационал дори дармон тайинлаш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.4. Реабилитацияга оид фаолияти:

Гинекологик касалланган беморларда турли реабилитацион (тиббий, ижтимоий ва касбий) тадбирларни қўллаш, касалликларни бошдан кечиргандан кейин жисмоний тарбия билан шуғулланиш бўйича ихтисослашган гуруҳларга юбориш қобилияти ва тайёрлиги;

морфофункционал мақомига қараб ҳаракатланиш фаоллигининг оптимал режимини танлаш бўйича тавсияларни бериш, жисмоний тарбия даволаш воситаларини, физиотерапия, фитотерапия, гомеотерапия ва бошқа медикаментоз бўлмаган терапия воситаларини беришга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни тайинлаш. Сурункали гинекологик касалликларни даволашда асосий курорт омилларидан фойдаланиш қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.5. Психологик-педагогик фаолияти:

Аҳолида, беморларда ва уларнинг оила аъзоларида ўзларини ва атрофдаги аҳолини соғлиқни тиклашга ва мустақамлашга қаратилган қобилияти ва тайёрлиги;

4.2.6. Ташкилий-бошқарув фаолияти:

соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, техник регламентлар, халқаро ва миллий стандартлар, бўйруқлар, тавсиялар, атамалар, халқаро бирликлар тизими (СИ), амалдаги халқаро таснифи) ҳамда бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари сифатини ва самарадорлигини баҳолаш учун ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти ва тайёрлиги;

акушерлик ва гинекология соҳасида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича турли тиббий ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси, бошқарув ва иқтисодий фаолияти бўйича билимлардан фойдаланиш, уларнинг таркибий тузилмаларнинг фаолият кўрсатиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш, педиатрия соҳасида тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тиббий-ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш ишлаш қобилияти ва тайёрлиги;

акушерлик ва гинекология бирламчи тиббий-санитария муассасалари ўрта ва кичик тиббий ходимларининг унумли меҳнат тақсимотини таъминлаш;

уларни ихтисослашган тиббий ташкилотларда олиб бориладиган асосий манипуляция ва амалларга ўргатиш қобилияти ва тайёрлиги;

акушерлик ва гинекология меҳнат қобилиятини (турғун ва вақтинча) экспертиза қилиш масаласини ечиш, тегишли хужжатни расмийлаштириш, педиатрга касалланган беморларни тиббий-ижтимоий экспертизага йўналтириш зарурлигини аниқлаш, болалар орасида инвалидизациялаш профилактикасини олиб бориш қобилияти ва тайёрлиги;

V. МУТАХАССИСНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ

5.1 Бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида топ мутахассисларни тайёрлайдиган таълим муассасалар таълим дастурини амалга ошириш учун етарли ўқув ва ўқув-услубий базасига эга бўлиши лозим.

5.2. Унификациялаштирилган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида таълим муассасасининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда (кўпи билан 15-20% ўзгартириш киритилган ҳолда) мутахассислик бўйича ишчи ўқув режаси ва ишчи дастури, унинг асосида эса тингловчининг шахсий тайёргарлик режаси ишлаб чиқилади.

5.3. Мутахассисни тайёрлаш бўйича ишчи ўқув дастури тиббиёт, фан, техника, маданият, иқтисодиёт, технологиялар, ижтимоий соҳалар, кадрлар буюртмачилари ва истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили кўриб чиқилиши ва янгиланиши лозим (олдингисидан камида 5-10 % ҳажмда).

5.4. Топ мутахассисларни тайёрлайдиган муассасалар таълим ўқув дастури асосида мустақил тарзда мутахассисни тайёрлаш бўйича ўқув-услубий мажмуаси (ЎУМ), календар ўқув жадвали, тегишли таълим технологияларни амалга оширишни таъминловчи ҳар бир бўлим бўйича услубий ва тарқатма материаллар, тест топшириқлари банки, назорат саволлари ва вазиятли мисолларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

5.5. Компетентлик ёндошуви ўқув жараёнида тингловчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари ишлари билан бирга фаол ва интерфаол машғулот олиб бориш шакллари (компьютер симуляциялар, ишбилармон ва ролли ўйинлар, аниқ вазиятларни ечиш, психологик ва бошқа тренинглар)дан кенг фойдаланишни кўзда тутган ҳолда амалга оширилши лозим.

5.6. Ҳар бир фаннинг ўқув дастурида мутахассисни тайёрлаш ўқув дастури бўйича эгаллаган билим, амалий кўникма ва компетенцияларн уйғунлашган ҳолда таълимнинг якуний натижалари аниқ шаклланган бўлиши лозим.

5.7 Мутахассисларни тайёрлайдиган муассасалар тингловчиларига ўз таълим дастурини, шу жумладан шахсий таълим режаларини шакллантиришда иштирок этиш бўйича реал имкониятларни таъминлаши шарт.

5.8. Тингловчилар таълим олиш пайтида барча тегишли машғулот турлари: семинар, маъруза, клиник амалий машқлар ва х.к. кўзда тутилади.

5.9. Қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бирга таълим олувчилар қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

тингловчилар фан (бўлимлар)ни ўзлаштиришга берилган ўқув вақт ҳажмининг доирасида мутахассисни тайёрлаш бўйича бирхиллаштирилган таълим дастури (масалан, УЗД ва бошқа дастакли тадқиқотлар)да кўзда тутилмаган аниқ фан (модул)ларни танлаш ҳуқуқига эга;

тингловчилар белгиланган муддатда мутахассисни тайёрлаш дастурида кўзда тутилган барча топшириқларни бажариши шарт.

5.10. Мутахассисни тайёрлаш бўйича таълим дастурлари одатда ўқитилаётган фан ихтисослигига мос келувчи базавий маълумотга эга бўлган ҳамда илмий ва (ёки) илмий-услубий фаолият билан мунтазам равишда шуғулланувчи илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим.

Мазкур таълим дастури бўйича таълим жараёнини таъмин этувчи ўқитувчиларнинг умумий ҳажмидан илмий даража ва (ёки) илмий унвонга эга бўлган ўқитувчиларнинг улуши камида 65 фоизни ташкил этиши лозим.

Таълим жараёнига мазкур соҳадаги ташкилот ва муассасаларнинг амалдаги раҳбарлари ва ходимлари ҳамда амалий соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори малакали мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

5.11. Таълим олувчиларнинг аудиториядан ташқари (ўз-ўзини тайёрлаш) ишлари услубий таъминоти ва уни бажаришга кетган вақтни асослаш билан бирга олиб борилади.

5.12. Ҳар бир тингловчи асосий таълим олиш фанлари бўйича нашрларни ўз ичига олувчи ҳамда ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг ҳуқуқ эгалари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида шаклланган электрон-кутубхона тизимидан фойдаланиш шароитлари билан таъминланиши лозим.

VI. МУТАХАССИСНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ

6.1. Тор мутахассисларни тайёрлайдиган муассасалар тайёрлаш сифатини қуйидагилар орқали кафолатни таъминлаши лозим:

иш берувчиларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш;

таълим дастурини мунтазам равишда мониторинг қилиш, тақриз қилиш;

таълим олувчининг билим ва кўникма даражасини баҳолаш бўйича объектив амалларни, мутахассисларнинг компетенцияларни ишлаб чиқиш;

ўқитувчиларнинг компетентлигини таъминлаш;

фаолият (стратегия)ни баҳолаш учун келишилган мезонлар бўйича ўз-ўзини текширишни мунтазам равишда олиб бориш ва иш берувчиларнинг вакиллари жалб қилган ҳолда мутахассисни тайёрлайдиган бошқа муассаслар билан солиштириш;

6.2. Мутахассисни тайёрлаш бўйича таълим дастурини ўзлаштириш сифатини баҳолаш фанни ўзлаштириш бўйича жорий ва оралиқ назорати, тингловчиларнинг аттестациядан ва якуний аттестациядан ўтиш жараёнларини ўз ичига олиши лозим.

6.3. Таълим олиш жараёнида тор мутахассисларининг билим ва малакасини баҳолашда 100 балли тўпланадиган баҳолаш тизими қўлланилади.